

**1.3-жадвал. БК ва ХАТ ҳисобий қисмлари бўйича ювилишга йўл қўйиладиган чегаравий нишабликларни аниқлаш**

Бўлимлар номи	ПК лар	Каналлардаги меъёрий сув сарфи, м <sup>3</sup> /с	$R=0,5*Q^{0.4}$	$R^{1/3}$ М	$V_{\dot{p}}$ , м/с	$V_{\text{чег.тез}} = V_{\dot{p}}*R^{1/3}$ м/с	$V_{\text{чег.тез}}$ м/с	С	С <sup>2</sup>	Ювилишга йўл қўйилган чегаравий нишаблик
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
I										
II										
III										

**1.2-ХАТ ҳисобий қисмлари бўйича ювилишига йўл қўйиладиган чегаравий нишабликларни аниқлаш.**

1.3-жадвал қуйидаги тартибда бажарилади:

1-устун - БК қисмлари (I, II, III) деб ёзиб чиқилади.

2-устун - пикетлар бажарилгандан кейин ёзилади.

3-устун – 1-қисмнинг нормал сув сарфи I канал ХАТ нинг нормал брутто сув сарфига тенг бўлади 1.1-жадвал 13-устундаги сонлар ёзилади.

4-устун - каналнинг гидравлик радиуси С.А.Гришқаң боғланиши билан олдиндан ҳисобланади.

$$R = 0.5 * Q_{\text{нор}}^{0.4} \quad \text{м} \quad (7)$$

бу ерда:  $Q_{\text{нор}}$  – каналнинг ҳисобий участкаси бўйича меъёрий сув истемолидаги ҳисобий сув сарфи, м<sup>3</sup>/с

5 - устун -  $R^{1/3}$

6 - устун  $V_{\dot{p}}$  гидравлик радиус  $R = 1$  м бўлганда берилган грунт учун йўл қўйиладиган ўртача тезлик м/с; канал ўзанинг турига, характериға боғлиқ ҳолда қуйидагича қабул қилинади:

- ўрта қумоқ-  $V_{\dot{p}}=0.75 - 1.0$  м/с
- енгил қумоқ-  $V_{\dot{p}}=0.7 - 0.9$  м/с
- оғир қумоқ –  $V_{\dot{p}}=0.85 - 1.2$  м/с

7 - устун ювилишга йўл қўйилган чегаравий тезлик.

$$V_{\text{чег.тез}} = V_{\text{ўРТ}} * R^{1/3} \quad (8)$$

8 - устун  $V_{\text{чег.тез}}^2$

9 - устун - Шези коэффиценти C

$$C = \frac{1}{6^n} \cdot R^{1/n} \quad (9)$$

n – каналнинг ғадир –будирлик коэффиценти  $n = 0.02$

11 – устун ювилишга йўл қўйилган чегаравий нишаблик.

$$J_{\text{й.к.}} = \frac{V_{\text{чег.тез}}^2}{C^2 * R} \quad (10)$$

II қисм 2К канал учун жадвал тўлғизилади.

1 устун – бўлимлар номи

2 устун – пикетлар қўйилгандан кейин тўлғизилади.

3 устун- бунинг учун 1.1-жадвалнинг 13-устунидан II қаторига қараб  $Q_{\text{НОР}}$  сув сарфи олиб ёзилади.

4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 - устунлар формула орқали топилади I қисм учун қандай топилган бўлса шундай ҳисобланади.

---

III қисм 3К канал учун жадвал тўлғизилади.

1 устун – бўлимлар номи

2 устун – пикетлар қўйилгандан кейин тўлғизилади.

3 устун- бунинг учун 1.1-жадвалнинг 13-устунидан III қаторига қараб  $Q_{\text{НОР}}$  сув сарфи олиб ёзилади.

4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11- устунлар формула орқали топилади I қисм учун қандай топилган бўлса шундай топилади.